O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 5 май, № 86 (3885) Жума

Жорий йилнинг бошларида Қўқонга кетаётганимизда машинамиз бузилиб бир соатча довонда қолиб кетдик, ҳайдовчи машинани тузатишга анча уринди, бироқ иложини қилолмай бизни бошқа машинага ўтқазиб юборди. Ўзи эса ўша ерда қолди. Қамчиқ довонига битта яхши "сервис" керак экан, деб ўйладим, ўшанда.

Яқинда йўлим яна водийга тушди. "Тошкент–Андижон — Ўш — Қашқар" йўли ёқасидаги замонавий автосавдосервис марказини кўриб, ҳайратим ошди. Маълум бўлишича, "Ўзавтосаноат" акциядорлик компанияси буюртмасига асосан қисқа фурсатларда қуриб битказилган ушбу марказга "ЎзДЭУавто" қўшма корхонаси 41 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфлаб, энг замонавий асбоб-ускуналар билан ҳам таъминлабди.

Довонда замонавий «Автосавдосервис»

Янги автосавдосервис маркази "ЎзДЭУавто" автомобиль заводининг барча русумдаги машиналарини сотиш, уларга техник хизмат кўрсатиш, шунингдек, автомобилларни эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш ва сотишга мўлжалланган.

Энг замонавий техник асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ушбу марказда хизмат кўрсатиш, диогностика ва таъмирлаш ишларини бажариш асосан компьютерлар зиммасида. Йигирма нафардан зиёд ёш усталарнинг барчаси кореялик мутахассислар қўлида таҳсил олишган. Марказнинг афзаллиги шундаки, аввало, у довон йўлида – катта йўл ёқасида жойлашган бўлиб, барча автомобилларга сифатли хизмат кўрсата олиш имкониятига эга.

"Наманган–автосавдо" МЧЖга қарашли автосавдосервис марказининг ишга туширилиши Қамчиқ довони орқали Фарғона водийсига қатновчилар учун яратилган катта қулайликдир.

Мавжуда ХОЛМАТОВА,
"Халқ сўзи" мухбири.

СУРАТЛАРДА: "Автосавдосервис" маркази иш фаолиятидан лавҳалар акс этган.

Ҳ. МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида

9 май умумхалқ байрами — Хотира ва қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 61 йиллиги муносабати билан ҳамда уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

1. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 30 000 (ўттиз минг) сўм миқдорда бир марталик пул мукофоти белгилансин.

2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ сарф-харажатлар республика бюджети ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ушбу пул мукофотининг тантанали ва байрамона вазиятда топширилишини таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Бадиий академия, Хотин-қизлар қўмитаси, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари, бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Ватанимиз озодлиги ва шаъну шарафи ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашув ва маърифий-бадиий кечалар ўтказсин.

5. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 4 май.

Қарши шаҳрида «Умид ниҳоллари — 2006» спорт мусобақаларининг республика босқичи бошланди

ЧАҚҚОНЛИК ВА ЭПЧИЛЛИК БАЙРАМИ

Мактаб ўқувчиларининг бу катта спорт байрами тўрт босқичда ўтказилиб, унинг дебочаси оммавийлиги билан ажралиб туради. Мактаб босқичида, шунингдек, терма жамоалар иштирокида туманлар, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикаси миқёсида ўтказилган саралаш босқичларида 4248246 спортчи қатнашди.

Ҳар бир вилоятдан 143 тадан, жами 2002 ўқувчи «Умид ниҳоллари — 2006» спорт мусобақаларининг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишди. Улар спортнинг 12 тури бўйича мусобақаларда қатнашиб, ғолиблик учун кураш олиб борадилар.

Кеча барча вилоятлар, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикаси жамоалари Қарши шаҳрига етиб келдилар. Темир йўл вокзалида спортчилар ва делегация аъзоларини ташкилий қўмита аъзолари, шаҳар жамоатчилигининг вакиллари тантанали равишда кутиб олдилар. Байрамона безатилган вокзал майдонида карнай-сурнай садолари янгради, ўйин-кулги, меҳмонларнинг ҳам, мезбонларнинг ҳам дилини шод-ҳуррамлик кайфияти чулғади. Шаҳар кўчаларида мусобақа қатнашчиларини сон-саноқсиз байроқчалар, гуллар кўтариб олган тенгдошлари олқишлаб турдилар. Ёш спортчилар барча қулайликларга эга бўлган ётоқхоналарга жойлаштирилди.

Бугун «Умид ниҳоллари — 2006» спорт мусобақаларининг тантанали очилиш маросими бўлади. Спорт турлари бўйича дастлабки мусобақалар бошланади. Мусобақа ташкилотчилари ва меҳмонлардан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришни сўрадик.



Абдулла ОЧИЛОВ, Халқ таълими вазирининг ўринбосари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижрочи директори, ташкилий қўмита раисининг ўринбосари:

— Энг аввало, Қашқадарё вилоят ҳокимлиги, спорт жамоатчилиги, ҳомийлар томонидан жуда катта тайёргарлик ишлари амалга оширилганлигини таъкидлашни истар эдим. Қисқа вақт ичида кўплаб спорт иншоотлари қуриб битказилди. «Умид ниҳоллари — 2006» спорт мусобақаларининг тантанали очилиш ва ёпилиш маросими ўтказиладиган замонавий стадион, ёпиқ енгил атлетика манежи, улкан сузиш ҳавзаси шулар жумласидандир. Улар ўзининг мусобақаларни ўтказиш имкониятлари билан ҳам, меъморий ечимлари жиҳатидан ҳам Марказий Осиё минтақасида ягона ҳисобланади.

«Умид ниҳоллари — 2006» мусобақаларининг республика босқичи Фарғона ва Хоразмда бўлганда спортнинг айрим турларини туманлардаги спорт иншоотларида ўтказишга тўғри келган, бу эса ўз навбатида ташкилий ишларда қийинчилик туғдирган эди. Бу йил ҳамма мусобақалар бир жойда — Қарши шаҳрида ўтказилади. Бунинг учун спорт иншоотлари ҳам, ётоқхоналар ҳам, маданий-маиший объектлар ҳам етарли. Мамлакатимизда соғлом авлод тарбиясига, болалар спортини ривожлантиришга катта эътибор берилаётганлиги туфайли шундай имкониятлар юзага келмоқда.

(Давоми 4-бетда).

Фуқаролар йиғинларида сайлов

МУҲИМ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЖАРАЁН БОШЛАНДИ

Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ этишда жамоат ташкилотлари, айниқса фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи — маҳаллаларнинг ўрни беқиёс. Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида маҳаллаларнинг юртимиз ҳаётида тутган ўрни ва мавқеини юксалтириш, уларни янада ривожлантириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Айни пайтда маҳалла раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчисидек масъулиятли вазифаларга фаол фуқаролик позициясига эга, билим ва тафаккури кенг, Ватан тақдири учун бефарқ бўлмаган, фидойи ҳамюртларимизнинг сайланиши маҳаллаларнинг тинчлиги ва осойишталиги, аҳиллиги, баҳамжиҳатлигида муҳим омил саналади.

Жойларда бўлгани каби пойтахтимизда ҳам фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови бошланди. Шаҳримизнинг Миробод туманидаги "Ўзбекистон", Сирғали ва Яккасарой туманларидаги Бобур номли, Собир Раҳимов туманидаги "Ачаобод" маҳаллаларида ушбу муҳим тадбир бўлиб ўтди. Уларда тавсия этилган номзодлар орасидан аҳоли ишончини қозонган, фидойи, энг муносиблари маҳалла раиси, унинг ўринбосарлари вазифаларига сайландилар.

Ушбу масъулиятли ижтимоий-сиёсий жараённинг бориши ҳақида халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси раиси ўринбосари А.АҲМЕДОВ қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида" ҳамда "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги қонунларга кўра мамлакатимизда ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар давом этмоқда. Шаҳримиздаги мавжуд 474 маҳалланинг барчасида ана шу масъулиятли жараёнга қизғин тайёргарлик кўрилди.

Ҳозир барча туманларда сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар фаолият олиб бормоқда. Мазкур комиссиялар аъзолигига фуқаролар йиғинлари, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, "Нуроний", "Маҳалла" жамғармалари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси вакиллари киритилган.

Сайловларга тайёргарлик кўриш пайтида халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашлари комиссиялари халқимиз ўртасида сайловлар моҳияти ва аҳамиятига оид кенг қамровли тушунтириш ишларини олиб борди. Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, раислик вазифасига кўрсатилган номзодларга доир ҳужжатларни қабул қилиш каби юмушлар шулар жумласидандир.

Комиссиялар ва гуруҳлар фаолиятида изчиллик ва самарадорликни таъминлаш учун сайлов ўтказиш жараёнида юзага келадиган саволлар ва муаммоларни атрофлича муҳокама этиш борасида семинарлар, учрашув ва давра суҳбатлари ўтказиш яхши анъанага айланган. Ана шундай анжуманларда сайлов жараёнларини ошкоралик ва тенглик тамойилларига таянган ҳолда ташкил этиш, яъни тегишли ҳудудда доимий яшовчи фуқаролар жинси, ирқий ҳамда миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ҳамда ижтимоий мавқеи, маълумоти, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар, сайловда иштирок этиш ҳуқуқига эга эканига, ҳар бир маҳалладан сайловчиларга энг муносиб кишини танлаш имкониятини яратган ҳолда, камида уч кишининг номзодини белгилашга, бунда аҳолининг фикри ва таклифлари албатта инобатга олиниши зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳозирги кунда ҳар бир комиссия, ишчи гуруҳ, ўзини ўзи бошқариш органлари сайловни ўтказиш жараёнлари учун зарур ҳужжатлар тўплами, уларнинг электрон версиялари, ҳуқуқий-меъёрий қўлланмалар билан таъминланган. Тўпламга маҳаллалар бўйича статистика ахборотлари, маҳаллаларнинг харитаси, ҳар бир маҳалла ҳудудида жойлашган юридик субъектлар номи, сайловчилар, уй боши, йўлакбоши, амалдаги маслаҳатчилар рўйхатлари ва бошқа маълумотлар киритилган.

Халқимизнинг бирдамлигини, тинчлик ва барқарорликни таъминлашда, ёшларимизни миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашда маҳалла тузилмаларининг аҳамияти беқиёсдир. Шу боис мамлакатимизда бошланган фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловидек муҳим ижтимоий-сиёсий жараёнга масъулият билан ёндашиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

ЎзА мухбири
Назокат УСМОНОВА
ёзиб олди.

Сайлов ташкилотчиларига кўмак


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ

«ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИ

«ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИ (ОҚСОҚОЛИ) ВА УНИ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ САЙЛОВИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИ

Тошкент - 2006

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2006 йил 4 апрелдаги қарорига биноан тасдиқланган тадбирлар режасига кўра фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссия Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ва «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари матнини тўплам ҳолида ўн икки минг нусхада нашр этиб, жойларга жўнатишни кўзда тутган эди.

Комиссия ана шу уч ҳуқуқий ҳужжат чоп этилган рисолани вилоятларга юборди. Китобчадан фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ўтказишда кенг фойдаланиш, айни пайтда аҳолининг ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш мумкин бўлади.

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Шу кунларда мамлакатимизда маҳалла оқсоқоллари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови бўлиб ўтмоқда.

Азизлар, ушбу сайловда барчамиз фаол қатнашиб, маҳалламизга одил ва адолатли оқсоқолларни сайлайлик!

Маҳаллани мустаҳкамласак, юртни мустаҳкамлаган бўламиз!

Хушхабар

Раҳматжон – ўсмирларнинг «шахмат қироли»

24 апрель — 1 май кунлари Грециянинг Халкидики шаҳрида мактаб ўқувчилари ўртасида шахмат бўйича 2-жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. FIDE шафеълигида ўтказилган мазкур мусобақада дунёнинг турли мамлакатларидан келган 76 нафар ёш шахматчи иштирок этди. Унда 7, 9, 11, 13 ҳамда 15 ёшли мактаб ўқувчилари ўзаро беллашдилар.

9 партияда 7,5 очко тўплашга муваффақ бўлган юртдошимиз, Тошкент шаҳридаги 110 — мактаб ўқувчиси Раҳматжон Раҳимов 13 ёшгача бўлган иштирокчилар ўртасида жаҳон чемпионлигини қўлга киритди.

Раҳматжон мусобақалар давомида Англия, Греция, Ҳиндистон, Молдова, Туркия ҳамда Руминиядан келган кучли рақибларини мағлуб этишга муваффақ бўлди.

«Жаҳон» АА.

Хотин-қизларга эътибор — жамият келажагига эътибор

ҚАДРИ БАЛАНД, ҚАЛБИ ЮКСАК, ЭЪЗОЗДА АЁЛ

Жамият ривожида хотин-қизларнинг ўрни беқиёс. Шундай экан, уларнинг ҳар бир соҳада янада самарали фаолият юритишлари учун кўпроқ имконият яратиб берилиши лозим. Ва шундай қилиняпти ҳам. Аёлларнинг меҳнат қилишлари ҳамда тинч-тотув яшашларига кўмаклашиш борасида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда унинг жойлардаги бўлимлари томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Айни шу хусусда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси С. Т. ИНОМОВА билан суҳбатлашдик.

— Хотин-қизлар қўмиталарининг фаолияти, энг аввало, аёлларни иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этишга, шу жумладан, вақтинчалик иш ўринлари барпо этиш, касаначилик меҳнатини ташкил қилиш ва хотин-қизларни ишга жойлаштиришнинг бошқа шаклларидан фойдаланишга қаратилиши зарур, — дейди суҳбатдошимиз. — Давлат томонидан кўрсатилаётган моддий ва бошқа ёрдамлар билан бирга, аёлларга ишлаш учун шарт-шароит ва имкониятлар яратиш даркор. Зеро, иш билан таъминлаш — хотин-қизлар мустақиллиги, уларнинг фаол ижтимоий, ҳаётий позицияга эга бўлишларининг муҳим шартидир.

— Светлана Турсунхўжаевна, айтиб ўтганингиздек, хотин-қизларни иш билан таъминлаш долзарб масала. Ва бу муаммо қўмита томонидан имконият даражасида ҳал этилмоқда. Лекин мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларида аёлларнинг ишлашлари учун шарт-шароитлар ҳануз етарли эмас.

— Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ, 2005-2007 йилларга мўлжалланган хотин-қизларни иш билан таъминлаш ҳудудий дастурлари бугунга келиб амалиётда кенг қўлланилмоқда. Янги иш ўринларини яратишда сусткашликка йўл қўймаслик мақсадида маҳаллий ҳокимликлар, тегишли ташкилотлар дастурнинг ҳар банди бўйича ҳамкорликда иш олиб бораётган жамғармалар, ташкилотлар ва тижорат банклари билан биргаликда аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Унга кўра, шу йиллар оралиғида 614,4 минг, ҳар йили 205 минг нафар аёл иш билан таъминланиши кўзда тутилган. Хотин-қизлар орасида тадбиркорликни ривожлантириш, уларни иқтисодий томондан қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтган йил давомида 230 мингдан ортиқ аёл иш билан таъминланди. Бу республикада дастур кўрсаткичининг 109 фоизга бажарилганлигини кўрсатади.

Мазкур дастур ижроси бўйича вилоятларда олиб борилаётган ишларни таҳлил қилганимизда, аёллар бандлиги халқ хўжалиги ва ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида кўпроқ эканлигини кузатиш мумкин. Хусусан, Фарғона вилоятида 2006 йилда 21664 та янги иш ўринларини яратиш кўзда тутилган бўлиб, шу йилнинг биринчи чорагида 6987 нафар аёл иш билан таъминланган. Тошкент вилоятида эса 13673 та янги иш ўринлари яратилиши режалаштирилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган уч ой давомида 4276 тага, яъни 157 фоизга бажарилган. Бундан ташқари, ушбу вилоятларда аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида "Кредит уюшмалари" ташкил этилган. Масалан, Тошкент вилояти уюшмаси томонидан ўтган йилнинг ўзида 177 нафар аёлга 198 млн. 360 минг сўм миқдорда кредит ёрдами берилган. Бироқ, гувоҳи бўлганимиздек, қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган аёлларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар кўнгилдагидек эмас. Жумладан, фаолияти тугалланаётган ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларга айлантирилиши сабабли қишлоқ жойларида аёлларни иш билан таъминлашга эътиборни кучайтириш керак. Фарғона вилоятининг Риштон, Боғдод, Учкўприк, Олтиариқ туманларида вақтинчалик иш билан таъминлаш тартиби яхши йўлга қўйилмаган. Ушбу муаммолар атрофлича ўрганилиб, тегишли чора-тадбирлар асосида бартараф этилмоқда.

— Вазирлар Маҳкамасининг "Хотин-қизлар қўмиталари фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорида белгиланган асосий вазифалардан бири — репродуктив саломатликни сақлаш, соғлом оила ва турмуш тарзини шакллантиришдир. Сизнингча, мазкур ҳужжатда белгиланган вазифалар ижроси қай даражада?

— Албатта, қўмитамиз ушбу йўналишда белгиланган, яъни хотин-қизларнинг тиббий саводхонлигини оширишга қаратилган вазифаларни бажариш борасида муайян ишларни амалга оширмоқда. Зеро, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий муҳофазага муҳтожларга моддий ва маънавий кўмак бериш хотин-қизлар қўмиталарининг диққат марказида турган ишлардир. Шу ўринда, мамлакатимизда аҳоли саломатлигини таҳлил ва назорат этиш ишлари мунтазам йўлга қўйилганини эътироф этиш жоиз. Айниқса, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, турмуш қураётган келин-куёвларни тиббий кўрикдан ўтказиш қатъий изга қўйилганлиги ҳам ижобий ишлардан бири, десак адашмаймиз. Бундан ташқари, серқуёш юртимизда хотин-қизлар ўртасида спортни оммалаштиришга доир Президентимиз Фармонлари, ҳукуматимиз қарорлари асосида олиб борилаётган ишлар ижобий самарасини кўрсатмоқда.

Статистик маълумотларга қараганда, тиббиётдаги энг оғир муаммо — оналар ва болалар ўлимининг асосий қисми чекка ҳудудларга тўғри келар эди. Сабаби, шўро тузуми даврида марказдан узоқ туманлар, олис тоғли қишлоқлар аҳолиси зарур бўлганда малакали тиббий хизмат олиш имкониятидан маҳрум эди. Бирламчи фельдшерлик пунктлари на малакали мутахассисга ва на тиббий асбоб-анжомга эга эди. Бугунги кунда эса олис чекка қишлоқларда қурилиб, халқ хизматига топширилган қишлоқ врачлик пунктларининг бинолари тортиб, шифокорлар хоналарию, муолажа масканларигача замонавий талабларга жавоб беради. У ерда хизмат қилаётган тиббиёт ходимлари республикамиз пойтахтида, чет мамлакатларда билим, малака, тажриба орттириб келишган. Қишлоқ аҳолиси мана шу ерда биринчи малакали тиббий хизматни олиши мумкин. Болаларни эмлаш хоналари зарурий барча жиҳозлар билан таъминланган. Бугунги ёш оналар бундан 20-30 йил мўқаддам фарзанд кўрган аёлга атиги икки ойгина ҳомиладорлик таътили берилгани, кўз ёрган она вужудининг тикланиши, боласини она сутига тўйдириб катта қилиши учун ҳеч қандай шароит, имтиёзлар бўлмаганини тасаввур ҳам қила олишмаса керак.

Миллат баркамоллиги соғлом авлоддан, соғлом авлод эса жисму руҳи, маънавияти соғлом оналардан вужудга келади. Юқорида айтилган фикр, яъни оналар саломатлигига умуман эътибор қаратилмаганининг оқибати боис ўша даврда республикамиздаги оналар ва болалар ўлими кўрсаткичи Иттифоқда доимо юқори қаторлардан бирини эгаллаб келарди. 2000 йилларга келиб, мамлакатимизда бу кўрсаткичлар ўтган асрнинг 90-йилларидагига нисбатан икки-уч баробар камайди. Аммо аҳвол ижобий томонга ўзгаряпти, деб ишлардан қониқиш ҳосил қилмоққа ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Ҳамон касалликлар зўриқиб кетгандагина шифокорга учрайдиганлар, хасталикни билиб-билмай ўзи даволашга уринадиганлар ва ҳаттоки, шифокор томонидан берилган асосли маслаҳатларга риоя қилмайдиганлар оз эмас. Айниқса, ёшларни оила қуришдан аввал соғломлаштиришнинг аҳамияти ҳис қилмаслик ёки ҳомиладор аёлнинг экстрагенетал касалликларини вақтида аниқлаб, даволатмасликнинг оғир оқибатлари барчани ҳушёрликка чорлайди.

— Қўмита соврини учун ўтказилиши режалаштирилаётган "Аёл — баркамол авлод мураббийси" мавзусидаги кўрик-танловнинг мақсад ва моҳияти хусусида нималар дея оласиз?

— Шуни ғурур ва ифтихор билан айтишимиз мумкинки, мустақиллик йилларида бўй ростлаб, юртимизнинг шон-шуҳратини илм ва фанда, спорт, санъат ва маданиятда намоён этиб келаётган қизларимиз юзлаб топилади. Ютуқлари сирини сўрасангиз, улар фахр билан оиласи, онасининг кўмаги ва насиҳатларида эканлигини таъкидлайдилар. Шу боис ҳам маънавий-маърифий ишларнинг таъсирчанлиги ва самарасини таъминлашда ибрат омилидан омилкорона фойдаланиш, яхши оилалар, намунали оналар тажрибасини халқ оммаси орасида кенг ёйиш катта амалий самара беради, деб ҳисоблаймиз. Ушбу тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад ҳам мустақил Ўзбекистонимизга муносиб қизларни тарбиялаб бераётган оналарни шарафлаш, уларнинг масъулиятли вазифаларини бажаришдаги билим, кўникма ва малакаларини оммалаштиришдан иборатдир.

Айни кунларда кўрик-танловни кўтаринки руҳда ўтказиш учун республикамизнинг барча ҳудудларида тайёргарлик кўрилмоқда. Ўйлаймизки, бу ўзига хос халқ ҳаракати сифатида янада оммалашади, юртимизда оилаларни мустаҳкамлаш, оналар ва баркамол авлод манфаатларини амалда муҳофаза қилиш ишида катта самара беради. Режалаштирилган бу ва бошқа танловлар, маънавий-маърифий тадбирлар орқали биз юртимиз тинчлиги, маҳаллалар ободлиги, фарзандларимиз баркамоллиги йўлида минглаб хайрли ишларни бажараверамиз.

Зиёда АШУРОВА суҳбатлашди.

Иқтисодий ночорликдан — соғломлаштириш сари

КОРХОНАЛАР ҚАЙТА ОЁҚҚА ТУРМОҚДА

Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги қонунида белгиланганидек, иқтисодиётни соғломлаштиришнинг асосий мезонларидан бири тўлов қобилиятини йўқотган, зарар кўриб ишлаётган, ночорлик ҳолатига тушиб қолган корхоналарни ўз вақтида аниқлаш, уларга нисбатан амалдаги қонун ва меъёрий ҳужжатларга мувофиқ, аниқ чоралар кўришдир. Бунда, айниқса, ташқи бошқарувнинг жорий қилиниши муҳим аҳамиятга эга. Ташқи бошқарув нима дегани?

Бу — корхонанинг тўлов қобилиятини тиклаш йўли билан барқарор муҳит яратиш, иш ўринларини сақлаб қолиш, ҳатто унинг таркибида кичик бизнес корхоналарини ташкил этиб, қўшимча иш ўринларини барпо этиш. Фикримизнинг далили сифатида вилоятимизда бу борада амалга оширилган ишлардан айримларини келтириб ўтсак.

2002 йилнинг октябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли «3-хўжалик ҳисобидаги автокорхона» очиқ турдаги акциядорлик жамияти жамоасининг кредиторлик қарзи 64,7 миллион сўмни, дебиторлик қарзи 43,8 миллионни ташкил этди. Натижада барча юк автомобиллари деярли тўхтаб қолди: уларга эҳтиёт қисмлар, ёнилғи-мойлаш материаллари ҳарид қилиш учун маблағ йўқ эди.

Хўжалик суди томонидан ана шу корхонанинг ташқи бошқарувчиси лавозимига Муроджон Абдушоҳидов сайланади. Илгари Сирдарё туманида жойлашган кичик автобазани бошқарган бу йигит, биринчи навбатда, бошқарув ходимлари сонини қисқартирди, жамоа билан келишган ҳолда, ташқи бошқарув бизнес-режасини ишлаб чиқиб, уни кредиторлар йиғилишида тасдиқлатиб олди. Банк кредитига эса янги автошиналар харид қилинди, цехлардаги турли дастгоҳлар ва агрегатлар ишга туширилди, ёнилғи-мойлаш материаллари таъминоти яхшиланди. Бундан руҳланган ҳайдовчилар, механиклар ва таъмирловчилар эса астойдил ишга киришдилар. Пировардида буюртмалар сони ортди, «ХАТП-3» ОАЖнинг автомашиналари яна йўллар учун асфальт ва интер юклари, пахта тозалаш заводларидан тайёрлов пунктларига пахта хомашёси, кимё саноати корхоналаридан Сирдарё вилоятига минерал ўғитлар таший бошладилар.

2004 йилнинг октябрида ташқи бошқарув муддати тугади. Корхонанинг молиявий-хўжалик фаолияти пухта ўрганилиб, ташқи бошқарув муддати яна бир йилга узайтирилди. Чунки қарздорнинг тўлаш қобилияти тикланишига барча асослар мавжуд эди. Ҳақиқатан ҳам, 2005 йил 1 ноябрга келиб, жамият кредиторлик, яъни ташқи ва ойлик маош бўйича қарзларидан қутулди. Уч йил мобайнида олинган соф фойда 10 миллион сўмни ташкил этди. Муҳими, 117 автомашина асраб қолинди, жамоанинг 100 нафардан зиёд аъзолари ишсизлар қаторига тушиб қолишдан халос бўлди. Эндиликда улар ҳатто мукофотлар ҳам олмоқдалар. Бу эса ҳаммани янги-янги ютуқларга эришишга даъват этмоқда.

Кўриниб турибдики, ўз мулкида давлат улуши мавжуд бундай корхоналар ҳозирда иқтисодий ночорликдан — соғломлаштириш сари юз тутмоқда. Уларнинг иқтисодий-молиявий ҳолати бўйича маълумотларни ҳар чоракда бошқармамизга тақдим этиш эса, ўз навбатида, ахборотларнинг электрон базасини шакллантириш, шу асосда иқтисодий ночор ва зарар кўриб ишлаётган корхоналар банкротликка учрашининг олдини олиш бўйича ишларни амалга ошириш, бундан ташқари, молиявий аҳволини тиклаб олмаган хўжалик юритувчи субъектларни банкротлик тамойилини қўллаган ҳолда бошқа мулк эгасига бериш орқали ишлаб чиқариш йўналишини сақлаб қолиш юзасидан белгиланган ишларни ҳам давом эттириш имкониятини яратмоқда.

О. МЎМИНОВ, Сирдарё вилояти монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб қувватлаш ҳудудий бошқармаси бошлиғи.

Дил изҳори

Сўзга қуллуқ, инсонга қуллуқ

Мустақиллик шарофати билан ўзбек матбуоти халқаро майдонга чиқди. Журналистлар дунё таниди. Фикр эркинлиги, кучли демократик жамият қуриш ва инсон ҳуқуқлари устуворлиги асосий мавзулардан бирига айланди.

Мен бир умр пойтахтда яшаб, «Саодат» журнали йўлланмаси билан шаҳар, қишлоқларни кезиб, аёл бахтини, орзу-умидлари ва ҳуқуқларини қалам билан ҳимоя қилган бўлсам, кейинчалик Фарғона вилоятининг Қува туманида яшаб, қишлоқ ҳаётига, қишлоқ одамларининг меҳнат ва интилишларига, айниқса, яқин бўлиб кетдим. Уларнинг ўзларига хос турмуш тарзини юракдан ҳис этдим. «Қува ҳаёти» газетасининг деярли ҳар бир сонида қуваликлар ҳақида ёзаяпман.

Жаҳон матбуот эркинлиги кунига бағишлаб ташкил этилган «Олтин қалам» кўрик-танловида «Қува ҳаёти» газетасида эълон қилинган долзарб мақолаларим мукофотга сазовор бўлганидан қанчалар қувонганимни билсангиз эди. Ташкилотчиларга қуллуқ! Сўзга қуллуқ!

Биз, журналистлар, агар меҳнаткаш халқ ҳаётини пухта ўрганиб, уларнинг қувонч ва ташвишини юракдан ҳис қилиб, сидқидилдан ижод қилсак, ҳаминша юзимиз ёруғ бўлади.

«Олтин қалам» рағбати менга янгитдан куч-қайрат бағишлади.

Саньат МАҲМУДОВА, фахрий журналист.

Имтиёзли кредитлар фаровонликка хизмат қилади



Кўпчилик тадбиркор бўлишни истайди. Бироқ ҳамма ҳам тадбиркорлик йўлидаги машаққатларга дош бера олмайди. Ташаббускор бўлса маблағнинг етишмаслиги, пули бўлса ташаббускор эмаслиги панд бериб қолади.

— Президентимизнинг фармонлари билан тадбиркорларга имтиёзли кредитларнинг берилиши ташаббусларимизга қанот бўлди, — дейди Пахтаобод туманидаги Тулобжувоз маҳалласида яшовчи тадбиркор Одинахон Аҳмаджонова. — Банкдан олган кредитга паррандачилик фермаси ташкил этдик. Болалар муассасалари, шифохоналарга ҳар ойда шартнома асосида 95-100 минг донадан зиёд тухум етказиб бераяпмиз.

Бу ҳали бошланиши. Айни пайтда Одинахон мавжуд имкониятлардан келиб чиққан ҳолда тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш ниятида. Берилаётган имтиёзли кредитлар эса уларга мадад бўлиши, шубҳасиз.

СУРАТДА: тадбиркор Одинахон Аҳмаджонова.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Журналистлар ва ҳуқуқшунослар анжумани

Кеча Адлия вазирлигида Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастурининг ижросини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни мавзусида семинар-кенгаш ўтказилди. "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури тўғрисида"ги қарорни амалга ошириш бўйича белгиланган тадбирлар режаси асосида уюштирилган ушбу анжуманда Ўзбекистон Республикаси Миллий Телерадиокомпанияси, Алоқа ва ахборотлаштириш, Матбуот ва ахборот, Миллий ахборот агентликлари, газета-журналлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, профессор-ўқитувчилар, жамоатчилик вакиллари қатнашдилар.

Семинар-кенгашда сўзга чиққанлар Миллий дастур ижросини таъминлашда оммавий ахборот воситалари билан Адлия вазирлиги ўртасидаги ҳамфикрлилик истиқболлари, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий тарғибот самарадорлигини ошириш манбалари, ҳуқуқ-тартибот идораларининг қонунчилик тарғиботи бўйича газета-журналлар, радио-телевидение билан йўлга қўйилган ўзаро алоқалари тўғрисида маъруза қилдилар. Оммавий ахборот воситалари ходимлари сўзга чиқиб, бу борада эришилаётган ютуқлар ва мавжуд муаммолар хусусида фикр юритдилар. Жумладан, ахборот соҳасини жадал ривожлантириш, матбуот, радио, телевидение фаолиятини эркинлаштириш фуқаролик жамияти асосларни барпо этиш жараёнининг узвий таркибий қисмига айланиши лозимлигини, охирги йилларда оммавий ахборот воситаларини либераллаштиришда ижобий ўзгаришлар кўзга ташланаётганига қарамай, улар фуқаролик жамиятининг муҳим институти сифатида ўз ўрнини топиши учун ҳал этилиши лозим бўлган масалалар ҳам анча кўплиги таъкидланди.

Ўз мухбиримиз.

Луқма

Саховатнинг чегараси йўқ

Термиз педагогика коллежида замонавий талабларга жавоб берадиган техник воситалар, асбоб-ускуналар ва кўргазмали қуроллар билан таъминланган 60 та фан хонаси, турли спорт турларига мўлжалланган майдончалар, кутубхоналар бор. Мавжуд шарт-шароитлар ва имкониятлар коллеж ёшларини турли нуфузли танлов мусобақаларида ўз билим ва маҳоратларини намойиш қилишга замин яратмоқда. Коллеж ўқувчиларининг яқинда «Ўзбекистон» телевидениесининг «7х7» мусобақаси финал босқичида бош совринни қўлга киритганликлари ҳам бунинг яққол мисолидир.

— Жамоамиз бир эзгу ишга қўл урди, — дейди коллеж директори, тарих фанлари номзоди Зулфия Даминова. —Ички имкониятдан келиб чиқиб, кам таъминланган 50 нафар оила фарзандларини моддий рағбатлантирдик, ҳар бирига алоҳида совғалар ажратдик. Насиб қилса, бу саховатли тадбирларимиз йил бўйи давом этади.

Соатмўмин ЖУМАЕВ.

Ўз ерига бегона

Икки йилча бурун «Худойберди Бекмурод ўғли» фермер хўжалиги жамоаси чорвачиликни ривожлантириш учун ер ажратиб беришни сўраб Деҳқонобод тумани ҳокимига мурожаат қилади. Туман ҳокимининг 2004 йил 15 апрелдаги қарорига кўра, фермерга собиқ «Оқработ» ширкат хўжалиги ҳудудидан 25 гектар ер берилади. Туманнинг ер ресурслари хизмати ходимлари фермерга тегишли ерни расмийлаштириб, кадастрларини аниқ-тиниқ кўрсатади. Лекин фермер ҳанузгача ўша ердан фойдалана олмаяпти.

— Сабаби, бизга тегишли майдонни Камол Кўчимов, Норсафар Туллиев, Музаффар Номозов, Норқўчқор Шойдуллаев, Камол Суюновлар ноқонуний эгаллаб олиб, фаолият юритишимизга тўсқинлик қилмоқдалар, — дейди «Худойберди Бекмурод ўғли» фермер хўжалиги раҳбари Абдулатиф Бекмуродов. — Ахийри, ушбу ҳолатга қонуний ечим топиш мақсадида Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси шу масала бўйича судга даъво аризаси киритди.

2005 йил 28 ноябрда фуқаролик ишлари бўйича Ғузор туманлараро суди А. Соатов раислигида ушбу ишни кўриб чиқиб даъвони қаноатлантиради. Можаро қонуний ечим топгач, фермер 2006 йил 3 март куни хўжалигига тегишли майдонда деҳқончилик юмушларини амалга ошириш учун дала бошига келади. Аммо Кўчимов, Туллиев, Номозов, Шойдуллаев, Суюновлар бунга йўл беришмайди.

— Улар суд қарори ижросига очиқдан очиқ қаршилик кўрсатишди. Ҳатто бизга ҳам ҳурматсизлик билан қарадилар. Олиб борилган қишлоқ хўжалик техникалари томон тош отиб, тўполон кўтардилар, — дейди Деҳқонобод тумани суд ижрочилари бўлинмаси катта суд ижрочиси Д. Қулназаров. — Кўпчилик олдида бизни ва ер ресурслари хизмати ходимининг ёқасига ёпишиб, ўзларини шармандаларча тутдилар.

Хўш, «беш оғайни»нега бундай йўл тутди, улар нечун фермерни ўз ерига қиритмадилар? Очиғини айтганда, илгари «Оқработ» ширкат хўжалиги ихтиёрида бўлган ерлардан ҳар ким ўз билганича фойдаланиб келарди. Хусусан, бугунда «Худойберди Бекмурод ўғли»га тегишли майдон ҳам хўжасиз жой эди. Унинг ҳузурини кимлардир кўрар, айримлар экинзорга молини ҳайдаб юборарди. Бир ҳовуч на арпа, на буғдой хирмонга тўкиларди. Энг ёмони, бу ҳолни кўрганлар ҳам кўрмаганга олиб кетаверарди. Энди ўша ташландиқ ер эгалик бўлди. Фермерга берилди. Табиийки, у ўтмишдаги бошбошдоқликка чек қўяди. Ўз ерини оёқ-остига қилиб қўймайди. Унинг ҳар қаричидан ўзининг эзгу мақсадлари йўлида фойдаланади. Ана шу ҳол кимларгадир хуш келмаяпти. Шу боис фермерни ўз ерига киритмай, зўравонлик қилмоқдалар.

Нафсиламбрини айтганда, юқорида номлари келтирилган қонунбузарларнинг айби билан «Худойберди Бекмурод ўғли» фермер хўжалиги ўтган йили ҳам ўз ерида деҳқончилик қилолмаган ва бундан жабр кўрганди. Сабаби яна ўша-ўша: жавобгарлар фермерни ер майдонига киритмаган. Фермернинг қонунбузарлар устидан қилган арзини эса ҳеч ким тингламаган. Оқибатда нима бўлди? Фермер шартнома шартларини бажаролмади. Шу боис тумандаги уруғчилик корхонасига жарима тўлашга мажбур бўлди.

Иш шу зайлда давом этаверса, ўтган йилги аҳвол яна такрорланиши мумкин. Суд қарори ижро этилмаса, «Худойберди Бекмурод ўғли» бу йил яна жаримага тортиладими? Ундан кейин нима бўлади? Бу муаммо қачонгача ўз ечимини топмай қолаверади?

Ўйлаймизки, тумандаги ҳуқуқ-тартибот идоралари мутасаддилари энди ушбу ҳолатга томошабин бўлиш ўрнига вазиятни тўғри баҳолаб, масалага жиддий ёндашадилар. Шунда муаммо ўз жойида ҳал этилади, қонун устуворлиги таъминланади. Пировардида эса фермер ўз ерига эгалик қилади.

Қурбон ЭШМАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

TURON BANK

Ривожланишнинг ҳар бир босқичи, у қайси соҳада, ишлаб чиқаришми, хизмат кўрсатишми, иқтисодиётнинг реал секторими ёки ижтимоий соҳада бўлмасин, ўзига хос хусусиятлар, кескин ўсишлар, рентабеллик ошиши ёки пасайиши, иш давомида йўл қўйилган камчиликлар, айрим кўрсаткичларнинг етарли даражада бажарилмаганлиги билан ҳам изоҳланади.

Шу йил 15 апрелда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг I чорак якунларига бағишланган мажлисида таъкидланганидек, республикамизда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг барча соҳаларида сезиларли ўсишга эришилди. Ижобий ўзгаришлар хизмат кўрсатиш, шу жумладан, банк хизматлари самарасини ошириш, реал секторни кредит маблағлари билан таъминлаш, тўлов тизимини такомиллаштириш ва пул муомаласини барқарорлаштиришда ҳам кузатилди.



«Туронбанк»:

ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАР САЛМОҒИ

Акциядорлик тижорат «Турон» банки фаолиятининг таҳлили ҳам жорий йилнинг ўтган даври давомида қатор ютуқларга эришилганидан далолат беради. Хусусан, банк ўз мавқеини янада ошириш, янги мижозлар ва инвесторларни жалб қилиш, банк активлари сифатини янада яхшилаш, активлар диверсификациясини таъминлаш ва даромад келтирмаётган активлар ҳиссасини кескин камайтириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида унинг даромад келтирувчи активлари 1,0 млрд. сўмга ошди, банкнинг харажатга тортилувчи мажбуриятлари эса 3,8 млрд. сўмга камайди. Банк капитали эса, жорий йил 1 апрель ҳолатига кўра, 5,1 млрд. сўмни ташкил этди.

Ҳисобот кунигача, шунингдек, банк активлари 46,4 млрд. сўмга етиб, унинг 64,4 фоизи даромад келтирувчи активлар ҳиссасига тўғри келди.

Шу билан бирга, банк томонидан кўрсатилаётган хизматлар кўлами кенгайди. Жумладан, аҳолига 1,1 млрд. сўм миқдорида микрокредитлар ажратилди. Унинг асосий қисми мебель, маиший хизмат кўрсатиш техникаси, автомобиллар сотиб олиш ва бошқа эҳтиёжларни қондириш учун йўналтирилди.

Айни чоғда ўтган даврда кредитларни иқтисодиётнинг реал секторига ҳамда ижтимоий аҳамиятга эга қурилиш объектларига ҳам йўналтиришга ҳаракат қилинди. 2006 йил 1 апрель ҳолатига кўра, кредит қўйилмалари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,6 мартага, шу жумладан факторинг хизматлари 2,0 марта ортди.

Жами кредит қўйилмаларининг 44 фоизи саноатга, 10 фоизи қишлоқ хўжалигига, 30 фоизи савдо ва умумий овқатланишга, 5 фоизи қурилиш ва маиший хизмат кўрсатишга ва 11 фоизи халқ хўжалигининг бошқа тармоқларига ажратилди.

«Туронбанк» томонидан 2006 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришга ажратилган микрокредитлар ва кўрсатилаётган лизинг хизматлари кўлами ҳам янада кенгайганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Ана шу субъектларга кредитлар, шу жумладан, микрокредитлар ажратишда янги иш ўринлари барпо қилиш, маҳаллий хомашё негизида экспортбоп ёки импорт ўрнини босувчи халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга қаратилган лойиҳаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Банк филиаллари ва минибанклари томонидан ҳам ўтган чорак давомида 329 та кичик бизнес субъектига 3,0 млрд. сўмга яқин кредитлар ажратилиб, шунинг ҳисобига 610 та янги иш ўрни яратилди. Мисол учун, «Туронбанк»нинг марказий амалиёт бошқармаси томонидан «Sitwet-invest» корхонасига полипропилен маҳсулотлари ва уни қайта ишловчи дастгоҳлар сотиб олиш учун 300 млн. сўм миқдорида кредит ажратилган эди. Натижада қўшимча 45 та янги иш ўрни очилди. Бошқарманинг яна бир мижози — «Rant service» корхонаси эса 200 млн. сўм кредит эвазига алюминий профиллари ва витражларини ишлаб чиқариш учун хомашё ва дастгоҳлар харид қилди. Пировардида бу ерда ҳам ўтган давр мобайнида 35 киши иш билан таъминланди.

Мижозлар эҳтиёжини қондириш ва уларга кўрсатилаётган кредит хизматлари турини кўпайтириш мақсадида банк тизимида лизинг операцияларини амалга ошириш ҳам диққат марказида турибди. Айниқса, қишлоқ хўжалиги корхоналарига, хусусан, фермер хўжаликларига техникалар сотиб олиш учун лизинг хизмати кўрсатилаётгани ўз самарасини бераяпти. 2006 йилнинг ўтган уч ойи давомида 2 та хўжалик юритувчи субъектга 57,5 млн. сўм ҳажмида лизинг хизмати амалга оширилгани бунинг тасдиғидир. Чунончи, банкнинг Нукус филиали «Кууваниш» фермер хўжалигига трактор ва сеялка харид қилиш учун 23,1 млн. сўмлик, Фарғона филиали «Водий сардори» фермер хўжалигига трактор сотиб олиш учун 34,4 млн. сўмлик лизинг хизматлари кўрсатди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, банкнинг кредитлаш фаолияти кенгайиши натижасида унинг ҳамкорлари ва мижозлари ҳам кўпайиб бормоқда. Ҳозирда вилоятларда банкнинг 18 та филиали, 43 та мини банки, 56 та жамғарма кассаси ва 38 та валюта айирбошлаш шохобчаси хизмат кўрсатмоқда. Эътиборлиси яна янги мини банклар, халқаро пул ўтказиш тизимлари ҳамда чакана хизматлар кўрсатиш марказлари очиш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Сирдарё, Фарғона вилоятларида 7 та, ҳукуматнинг «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 255-сонли қарорига асосан эса, Тошкент, Наманган, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида 6 та мини банк очилгани ана шу амалий ишлар натижасидир.

«Туронбанк» тизимидаги мини банклар бугунги кунда 2663 та мижозга сифатли хизмат кўрсатмоқда. Биргина 2006 йилнинг I чорагида мини банкларнинг мижозлари 192 тага кўпайди. Мини банкларнинг ўзлари эса ўтган даврда 283,8 млн. сўм даромад олди. Бу маблағнинг 97,6 млн. сўми фойдадир.

Банкнинг стратегик ривожланиш дастурига мувофиқ, банкдан ташқари нақд пул айланмасини қисқартириш мақсадида аҳолига қулай бўлган жойларда омонат кассалари ҳам очилмоқда. Бундан ташқари, банкда даромадлилик даражаси ва муддатларига кўра, омонатчиларнинг эҳтиёжларига мос «Ҳамкорлик», «Нуроний», «Имконият», «Ният», «Фаровонлик» ҳамда «Turon Classic», «Turon Medium», «Turon Premium» каби жамғарма турлари жорий қилинди. Бу омонат турларига маблағлар банкнинг бугунги кунда республикамизнинг турли бурчакларида фаолият кўрсатаётган 56 та жамғарма кассаси орқали жалб этилмоқда. Мазкур кассалар орқали жисмоний шахсларнинг нафақат омонатлари, балки аҳолига қулай бўлган вақтларда барча турдаги коммунал, солиқ ва бошқа ҳар қандай тўловлари ҳам қабул қилинмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг «Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 511-сонли қарорини бажариш мақсадида 2006 йил I чораги давомида «Туронбанк» махсус жамғарма кассалари орқали жами 216,0 млн. сўм қабул қилиниб, ўз вақтида коммунал ташкилотлари ҳисобварақларига ўтказиб берилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги 445-сонли қарори талабларини бажариш учун эса, шунингдек, «Туронбанк» Тошкент шаҳар ва туман ҳокимликлари, вазирлик ва идоралар билан биргаликда чакана савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари, автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари ва аҳолидан нақд пул қабул қилувчи муассасалар тўловларини пластик карточкалар орқали қабул қилишни ҳам йўлга қўйди. Шу мақсадда банк томонидан 42 000 дона пластик карточка муомалага чиқарилиб, 200 дона замонавий савдо терминали савдо ва хизмат кўрсатиш муассасаларига ўрнатилди. 2006 йил 1 апрель ҳолатига кўра, 1,7 млрд. сўм нақд пул терминаллар орқали ишчи ва хизматчиларга тарқатилиб, 153,2 млн. сўмлик савдо тўловлари амалга оширилди.

Республикамизда аҳолига қулайликлар яратишнинг яна бир муҳим йўли — бу чакана савдо марказлари орқали чет эл валютасидаги банк хизматларини кўрсатиш. Шу боис банкнинг марказларида мижозларга халқаро пул ўтказиш тизимлари орқали хизмат кўрсатиш йўлга қўйилиб, жисмоний шахсларнинг хорижий валютадаги ўтказмалари ҳажми оширилди. Бунда мавжуд 40 та «Вестерн-Юнион» халқаро пул ўтказиш шохобчасининг хизмати катта бўлмоқда.

Аҳолига чет эл валютасида чакана хизмат кўрсатиш банк даромадларини кўпайтиришнинг муҳим йўналишлари ҳисобланади. Россиянинг «Импексбанк»и билан тузилган шартномага асосан, энг арзон ва мижозлар учун қулай бўлган «Быстрая почта» пул ўтказиш тизими бўйича ҳам 40 та шохобча ташкил этилган эди. Улар ҳам бугун мижозларга хизмат кўрсатмоқда.

2006 йил январь ойидан бошлаб банкимизда янги «Travelex» халқаро пул ўтказиш тизими ҳам ишламоқда. Унинг хизмат ҳақи арзонлиги ва барча давлатларда мавжудлиги мижозлар орасида, айниқса, қизиқиш уйғотмоқда. Шунинг учун банкимизнинг барча филиалларида мазкур тизим аҳолининг мушкулини осонлаштираяпти.

Умуман, ўтган давр мобайнида банк жамоаси томонидан ишлаб чиқилган бизнес-режани бажариш, пул муомаласини барқарорлаштириш ва иқтисодий ўсишни таъминлаш борасида биринчи қадам қўйилди. Дастлабки сарҳисоблар эса «Туронбанк» тизимининг имкониятлари кенгайиб, у тобора ривожланиб бораётганидан далолат бераётир.

Шавкат МЕЛИХОЛОВ.

DELTA-BI EX
UZBEK EXHIBITION COMPANY
ЗАЩИТА И СПАСЕНИЕ · 2006
МЕЖДУНАРОДНАЯ ЦЕНТРАЛЬНОАЗИАТСКАЯ ВЫСТАВКА
ОФИЦИАЛЬНАЯ ПОДДЕРЖКА
Государственное предприятие "UZMAKHSUSIMPEX"
26-28 сентября 2006 года
Тел. (99897) 330-48-00.
Факс (99871) 144-16-87.
E-mail: delta@uzpak.uz
МЕСТО ПРОВЕДЕНИЯ: ТПК "НАВРУЗ"
* технические средства обеспечения безопасности,
* антитеррористическое оборудование,
* средства защиты информации, * спасения при ЧС и пожарной охраны,
* обеспечения банковской и промышленной безопасности.
Бизнес-партнеры: infoCOM.UZ
ООО "NOVITA-EDMG"

Ширкат ва фермер хўжаликлари раҳбарлари, боғ соҳиблари, тадбиркорлар диққатига!
Пуркагичлар керакми? Марҳамат!
«ЎЗҚИШЛОҚМАШХОЛДИНГ» КОМПАНИЯСИ ТАРКИБИДАГИ
«AGRIXIM»
ЎЗБЕКИСТОН—ИТАЛИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИДА
ишлаб чиқарилаётган олти хил — пахтачилик-боғдорчилик учун «VP-1» русумли пуркагич-чангитгич, шунингдек, «Кариола-С-100», «ОРПД-12/М», «Аида», «Леонора», «Асусена» пуркагичларига «Ўзстандарт» агентлигидан сертификатлар берилган. Улардан саккиз йилдан бери муваффақиятли фойдаланилаяпти.
Ғўза, сабзавот майдонлари, боғлар, иссиқхоналар ва ҳовли-жойлардаги дарахтлар ҳосилини турли зараркунанда ва ҳашаротлардан ишончли ҳимоя қилмоқчи бўлсангиз, шу қулай, самарали пуркагичлардан фойдаланинг. Чорвачилик фермалари, паррандачилик фабрикаларини дезинфекциялашда, жумладан, парранда гриппига қарши курашишда ҳам пуркагичлар яхши самара беради. Тадбиркорлар бу пуркагичлардан фойдаланиб, фермер ва боғ соҳибларига агрокимё хизмати кўрсатишса, бу катта наф келтиради.
Пуркагичларни маблағ ўтказиб ёки нақд пулга сотиб олиш мумкин. Қўшма корхонада пуркагичларни тузатиб, таъмирлаб бериш имконияти бор.
Манзил: Тошкент ш., С.Машҳадий к., 210-уй.
Мўлжал: Шампан винолари заводи. Автобуслар: 16, 21,30.
Тел.: (998-71) 169-49-33, тел./факс: 169-49-44, 169-35-46.
E-mail: agrihim@mail.st.uz

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ
қуйидаги иншоотни тўлалигича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича танлов савдоси эълон қилади:
1. Самарқанд тумани, Миронкўл қўрғонидаги Ўзбекистон Республикаси МХХ давлат чегараларини қўриклаш қўмитасининг ўқув-тажриба маркази биноси ва иншоотлари мажмуасини 600 ётоқ ўринли вилоят сил касалликлари диспансерига қайта таъмирлаш.
Қурилиш ишларини бажариш муддати — 8,4 ой.
Қурилиш ишлари маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.
Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.
Буюртмачи манзили — Самарқанд шаҳри, «Кўксарой» майдони, 1-уй.
Телефон: (8-3662) 35-82-86.
Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: *танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажриба ва кўникмаларга, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.*
Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:
Самарқанд шаҳри, «Кўксарой» майдони, 2-Г корпус, 208-хона. Телефон: 33-32-00, факс: 31-13-51.
Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 50 000 (эллик минг) сўм.
Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача. Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, «Кўксарой» майдонида соат 18.00 да, Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида ўтказилади.

«BOG`I BO`STON» ҚК
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИНИНГ ТАЛАБЛАРИ БЎЙИЧА УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ УЧУН ТАЙЁРЛАНГАН МЕБЕЛЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ.
1. Ўқувчилар столи тўплами (стол, стуллар — 2 та)
1-2 синф 69 900 сўм.
3-4 синф 72 100 сўм.
5-7 синф 73 600 сўм.
8-9 синф 74 700 сўм.
2. Кўргазма қуроллари учун шкаф 82 000 сўм.
3. Чизмачилик хонаси учун ўқувчилар столи тўплами (стол, стуллар — 2 та) 94 000 сўм.
4. Тасвирий санъат ва расм хонаси учун ўқувчилар столи тўплами (стол, стул) 75 000 сўм.
5. Мажлислар зали учун 3 ўриндиқли кресло 85 000 сўм.
6. Икки тумбали ўқитувчи столи 95 000 сўм.
7. Кийим учун шкаф 93 000 сўм.
Тўлов — пул ўтказиш йўли билан.
Шунингдек, мактаб, лицей ва коллежлар учун бошқа маҳсулотларни ҳам етказиб беришимиз мумкин.
Ўлгуржи харидорларга чегирмалар берилади.
Манзилимиз: Тошкент ш., Юсуф Хос Ҳожиб к., 58-уй.
Телефонлар: 152-21-82, 55-15-09. Тел./факс: 152-26-55.
Товар сертификатланган.

И славянские обои
российский линолеум
производство ОАО «ЩекиноАзот» г. Тула
тел. 134-48-11, факс 134-49-58.

Офис ва хусусий уйлар архитектура ва қурилиши ишларини бажарамиз. Телефонлар: 68-79-82, 336-52-99.

2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили



Соғлом она — соғлом бола

Мамлакатимизнинг бошқа жойларида бўлгани каби сўнгги йилларда Нуробод туманида ҳам соғлиқни сақлаш борасида бир қатор ижобий ютуқлар қўлга киритилмоқда. 16 та қишлоқ врачлик пунктининг 13 таси замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланиб, аҳоли саломатлиги йўлида намунали хизмат кўрсатаётгани бунга бир мисол бўла олади.

— Туманимиз аҳолисининг 51 минг 500 нафарини хотин-қизлар ташкил қилади, — дейди туман марказий шифохонаси бош шифокори Қаюм Азизов. — Уларнинг ярмидан кўпроғи туғуруқ ёшидаги аёллардир. Соғлом фарзандларнинг дунёга келиши, аввало, оналар саломатлигига боғлиқ. Шу боис бу масалага жиддий эътибор қаратаяпмиз. Хусусан, ҳар бир қишлоқ врачлик пунктининг ички касалликлар шифокори, педиатр ва акушер-гинекологи оналар ва болалар аҳволини доимо назорат қилиб бормоқда.

СУРАТЛАРДА: туман марказий шифохонаси фаолиятидан лавҳалар.

Т.НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.

ИНСОН ЎЗ ҚАЛБИНИНГ ФАРРОШИ БЎЛСИН

Сурхондарёнинг икки миллионга яқин аҳолиси соғлиғига 4000 шифокор посбонлик қилади. Уларнинг хизмати-ю беморларнинг рағбати учун бир йилда қарийб 6 миллиард сўм харжланади. Қумқўрғонлик Эркин Йўлдошевнинг бу катта жабҳада ўз ўрни — мавқеи бор.

Эркин Йўлдошевни менга дастлаб одамлар — унинг қўлида даволанганлар таништирди.

— Ринит (бурун йўлларининг ёпилиб қолиши) ўн беш йил ҳаловатимни бузди. Сўнг гепаксия хавфини қўзғади, — дейди Қумқўрғон шаҳрининг Ҳамза кўчасида яшайдиган Музаффар Тожиев. — Поликлиникага бораман. Хонасига «ЛОР» деб ёзиб қўйилган шифокор мени кўриб, яна келдингизми, дейди. Икки соат куттириб қўяди-да, бу сафар ҳам бир варақ қилиб нафтизин, санорин деган дориларни ёзиб беради. Бурунга томизаверасиз, дейди. Томизавераман. Томизавериб, нафтизиннинг ўзидан ўн литрларини истеъмол қилиб юборгандирман. Самара — ноль!

Эркинбой, Қобил домланинг ўғли, хусусий клиника очибди деб эшитдим. Клиникага бордим. Бир кўришда унга ихлос қилдим: оддий бир йигит. Қаерда ишлашингни, касб-корингни, қанақа машина минишингни эмас, ҳолаҳволингни, кўнглингни сўрайдиган йигит. Дўхтирлар бор, элчилик-да, изидан сени худди соясидай эргаштириб қўяди. Эркинбой, аксинча, беморга парвона. Муҳими, хасталикнинг қоқ юрагидан уриб ташхис қўя билади. Бир ҳафтада унинг қўлидан шифо топганим — шундан.

— Жарроҳлик ва бошқа тиббий ускуналар Эркин Йўлдошевнинг қўлида чолғу асбобидек жаранглай бошлайди, — дейди Юсуф Аъзамов. — ЛОР шифокорнинг йўлланмасини кўтариб даволангани Тошкентга бордим. Тошкентлик мутахассис ҳам танти экан. Касалингиз гаймаритнинг мураккаброқ тури. Буни қумқўрғонлик Эркинжон даволайди, деди. Эркинбой даволадиям. Мана бугун тўйиб-тўйиб нафас олиб юрибман.

— А, болам-о, — дейди ҳали ёши олтмишга етмагану соқолининг оппоқлигидан қувонибми ўзини Алимқул бобо деб таништирган одам. — Мен Деновнинг Наврўз қишлоғидан. Тўрт ой ухламадим. Майдагина соатнинг бир чиқиллаши қулоқ тушмагурга мингта акс садо бериб, тинчимни бузади. Озиб кетдим. Ана шу Эркин дўхтирнинг отасига раҳмат. Мени оёққа турғазди. Қўли енгил. Қўлининг енглилиги қалбининг тозалигидан. Ҳамма дўхтирларнинг қалби ана шундай тоза бўлсин-чи, дарду заҳматдан нишон қолмас.

* * *

Эркин Йўлдошев билан гурунгимизнинг аввалида у Алимқул бобонинг шу гапини такрорлагандай бўлди. — Лафзи ҳалол, қалби тоза одамлардан дарди-заҳмат қочади, — деди. — Қўрқувдан қанд хасталиги, қаноатсизликдан жигар оғриғи, сувни макруҳ қилишдан шайтонлаш келиб чиқиши кўп одамга маълум. Шунга ўхшаш, томоғим оғримасин деган одам юракни тирнайдиган гапларни тилга олмаса. Қулоғим соғлом бўлсин деган одам бўлар-бўлмас гапларга қулоғини диккайтириб турмаса. Физиологик ўзагидан ташқари ахир, ҳар бир хасталикнинг ижтимоий-ахлоқий ўзагиям бўлади.

— Гапнинг шу жиҳатига қарайдиган бўлсак, касалликнинг тарбиявий-ахлоқий аҳамиятиям бор, дерсиз...

У кулади. Қишнинг қаҳрини кўрмаган одам баҳор гулларининг қадрини билмас, дейди. Унинг фикрича, хасталик мавқеи, мансаби, яшаш тарзи турли-туман одамларни бир хил даражага яқинлаштиради. Улар ҳаётнинг бош ҳикмати — соғлиқ деган гапга иқрор бўла бошлайдилар. Бир кунлик дард уларнинг қалбидаги такаббурликни, бахилликни ва яна нима бало чиқиндиларни супуриб ташлагандай бўлади. Узоқ дард чеккан одам тузалганида ўзини қайта туғилгандай ҳис этиши ҳам шу — кўнгилнинг, қалбнинг бир қадар тоза бўлгани боис.

Шифокор — томирларда, асабларда, бўғинларда чўкиб қолган жисмоний қуйқаларнинг фарроши. Бу фаррошнинг супургиси албатта стерилизацияланган бўлмоғи лозим. Биз бир докани автоклавга қўйиб стерилизация қиламизу қалбларимизни тоза тутишга бепарвороқ бўламиз.

* * *

Шу суҳбатдан сўнг мен клиниканинг иш жараёнини кузатаман. Клиника омонат қароргоҳда — ижарага олинган иморатда ишлайди. Хоналари ёруғ. Лекин қишда иситилмайди. Сув йўқ. Бироқ унинг торгина, ёғоч ўтиргичлар ўрнатилган тор зали беморлар билан ҳамиша тирбанд. Одамлар дўхтирга кўриниш учун эрталаб соат еттидан бориб навбатга турадилар. Йўлдошев илк бор келганларнинг арзини тинглайди. Ташхис қўяди. Кеча жарроҳлик амали ўтказилганларнинг жароҳатига малҳам босади, уч-тўрт соатлаб оёқда тик туради. Бошқалар совқотиб турганида унинг пешонасидан тер томчилайди, шунда ҳам чарчадим, демайди. Эртага келарсиз, деб ҳеч кимни сарсон қилиб қўймайди, ноумид қилиб чиқармайди. Кун ботиб, қоронғи тушиб кетадики, дўхтир, уйга қайтиш вақти бўлди, демайди.

Шундай оқшомларнинг бирида, қарангки, биров дўхтирнинг айвонда ечиб қўйган чарм курткасини илиб кетиб қолибди. «Биров»нинг кимлигини Эркинжон сезди. Томоқоғрикдан қатнаб даволаниб юрганлардан бири эди. Дуруст даволанмаса хасталик астмага айланиши тайинлигидан дўхтир уни огоҳлантирганди. Ўша биров уч кун ўтиб яна келди. Дўхтир кўзимга тикка қарармикан, деган хаёлдан қўрқиб писганини шифокор сезди. Лекин ўзини сезмаганга олди. «Биров» эгарланган отдек бўлиб шифо топиб кетди.

Яна бир оқшом, қарангки, дарвозаси тақиллади. Чиқиб кўрсалар, ўша — биров. Ўғирланган курткани об кепти.

— Эркин Қобилович, мен бенабатман, — дейди. — Сиздан ўла-ўлгунча қарздорман. Энди ҳаётда ўғирлик қилмайман. Бир орзуйим Сиздек одам бўлиш, — дейди.

Ўшанда бир завқи тошиб кулганини Эркинжон ҳали-ҳали эслайди. Эслаши асосида ҳар бир одам ўз дунёсининг фарроши бўлиб хизмат қилмоғи керак, деган мулоҳазаси хаёлида айланади.

* * *

— Ҳомийларимизми? Йўқ эмас. Бири бизга аудиометр олиб бермоқчи. Иккинчиси деофоноскам, микроскоп... Устозим Абдураҳмон Ҳасановнинг Тошкентдан туриб мен билан ҳол-аҳволлашиб туришининг ўзи катта қувват, — дейди Эркинжон ўзини қутиб турган беморларнинг ҳузурига шошилаётганини яширимай. — Лекин дурустроқ иморатга турғунроқ жойлашиб олганимизда Республика ЛОР илмий-текшириш институтининг филиалини очиб олармидик. Ҳозирги шароитимиздан ҳам лекин нолимаймиз. Нолиш — бекорчи одамнинг машғулоти. Бизга қараб турган ишлар эса жуда кўп...

Олимжон УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Кўргазма

«Камалак жилоси»

Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг "Камалак жилоси" кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Таълимдаш жойзки, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси, Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ва "Сен ёлғиз эмассан" жамғармаси ҳамкорликда ташкил этган мазкур тадбир ўзига хос анъанага айланиб улгурди. Бу галги танлов 4 ёшдан 16 ёшгача бўлган болалар иштирокида икки босқичда ўтказилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан жами 1500 нафар тарбияланувчи иштирок этди. Эркин мавзудаги манзара, портрет, натюрморт ва эртак қаҳрамонлари тасвирларида болаларга хос беғуборлик, самимийлик сезилиб турди. Айниқса, мурғак қалб эгаларининг юртимизнинг бугунги ҳаётига ўз муносабатларини билдиришга ҳаракат қилганлиги таҳсинга сазовор.

Ҳайъат аъзолари кичик ёшдаги болалар орасида Тошкент вилоятидан Нодира Баҳромова, Жиззахлик Аня Усмонова ва Сурхондарёлик Маҳлиё Мажидоваларни ғолиб деб топишди. Катта ёшдаги болалар гуруҳида эса қашқадарёлик Элнур Эгамов, фарғоналик Александр Раҳимов, Қорақалпоғистон Республикасидан Даврон Жобаевларнинг расмлари яхши баҳоланди.

Ғолибларга диплом ва эсдалик совғалари тақдим этилди.

Саида ИЛҲОМОВА,
санъатшунос.

Спорт

ЧАҚҚОНЛИК ВА ЭПЧИЛЛИК БАЙРАМИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Умид ниҳоллари» мусобақалари ёшларни спортга кенгроқ жалб қилишнинг муҳим омили бўлиб қолди. Мактаб ўқувчиларининг кўплаб нуфузли халқаро мусобақаларда совринли ўринларни эгаллаб келаётганлиги бежиз эмас. Мана, андижонлик мактаб ўқувчиси Мафтуна Тўхтасиновани олиб кўрайлик. У сузиш бўйича Германияда бўлиб ўтган халқаро турнирда кўплаб тенгдошларини ортда қолдириб, тўртта олтин медални қўлга киритди. Мафтуна бу ерда ҳам ғолибликка асосий даъвогарлардан ҳисобланади.

Собир ТУРСУНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати:

— Касбим шифокорлик бўлса ҳам фаолиятимнинг асосий қисмини ёшлар тарбиясига бағишлаганман. Шунинг учун ҳам Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимизда шаклланган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» мусобақаларидан иборат уч босқичли тизимнинг ривожланишини диққат билан кузатиб бораман. «Умид ниҳоллари — 2006» мусобақаларининг республика босқичи бу йил Қашқадарё вилоятида ўтаётганлиги учун сайловчилар билан учрашувларда бу ҳақда кўп гаплашишга тўғри келди.

Шаҳардаги бунёдкорлик ва ободончилик ишларига қаранг. Кенг ва равон кўчалар, сон-саноқсиз фавворалар, ям-яшил хиёбонлар. Булар барчаси шаҳар аҳолисининг, меҳмонларнинг кайфиятига таъсир этмай қолмайди. Спорт байрами иштирокчилари шаҳримизда юз берган бу ўзгаришларни, албатта, ҳис этишади. Ўзларига яратилган шароитлардан мамнун бўлишади.

Қарши шаҳри ўзининг 2700 йиллигини нишонлаш арафасида турибди. «Умид ниҳоллари — 2006»га тайёргарлик муносабати билан бошланган кўтаринки руҳ, ишчанлик кайфияти катта тўйгача давом этиб, шаҳарнинг янада гўзал ва обод бўлишига шубҳа йўқ. Маҳаллаларда, меҳнат жамоаларида бўлган мулоқотлар чоғида мен бунга амин бўлдим.

Б. НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Машъал» дуранг ўйнади, «Пахтакор» эса...

Кеча қитъамизнинг бир неча шаҳарларида Осиё чемпионлар лигаси гуруҳ баҳсларининг навбатдаги тур учрашувлари бўлиб ўтди. Мамлакатимиз чемпиони «Пахтакор» сафарда Суриянинг «Ал-Иттиҳод» жамоасига 1:2 ҳисобида имконият бой берди, деб хабар беради ЎФФ ахборот-таҳлил бўлими. Ушбу учрашувда асосий таркибнинг учта ўйинчиси майдонга тушмади. Бу, ўз навбатида, жамоа ўйинига таъсир ўтказмасдан қолмади. Эсингизда бўлса, «Фулад» билан Эронда ўтган ўйинда дарвозабон Игнатий Нестеров жароҳат олганди. Жамоа шифокорлари фикрича, дарвозабонимиз мавсум охиригача майдонга тушмайди. Шунингдек, Ислом Иномов ва Ренат Байрамовлар аввалги учрашувда ҳакам томонидан майдондан четлаштирилганлиги сабабли, мусобақани томошабинлар сафида кузатишга мажбур бўлишди. Бош мураббий Валерий Непомнящий Иномовнинг ўрнига Камолиддин Тожиевни, Байрамовнинг ўрнига Вячеслав Понамарёвни, Нестеров ўрнига Темур Жўраевни майдонга туширишни маъқул кўрди. Асосий таркиб мусобақаларида илк бор майдонга тушган Темур Жўраев бироз тажрибасизлик қилдими, биринчи бўлимда иккита тўп ўтказиб юборди. Вячеслав Понамарёв томонидан киритилган ягона тўп ҳисобни (1:2) қисқаришини таъминлади. Гуруҳдаги иккинчи учрашувда Қувайтнинг «Ал-Қодисия» клуби Эроннинг «Фулад» жамоасини мағлубиятга (2:0) учратди. Сўнгги тур учрашуви 17 май куни ўтказилади. Унда «Пахтакор» (Ўзбекистон)—«Ал-Қодисия»(Қувайт), «Фулад»(Эрон)—«Ал-Иттиҳод» (Сурия) жамоалари ўзаро учрашади.

Осиё чемпионлар лигасида қатнашаётган иккинчи жамоамиз «Машъал» ўз майдонида гуруҳ аутсайдери — Ироқнинг «Ал-Минаа» клуби билан 2:2 дуранг натижага эришди ва кейинги босқичга чиқиш имкониятини деярли йўққа чиқарди. Гуруҳдаги иккинчи ўйинда БААнинг «Ал-Айн» клуби Саудия Арабистонининг «Ал-Ҳилол» жамоасига 1:2 ҳисобида мағлубиятга учради. Ушбу гуруҳдаги сўнгги учрашувда «Ал-Айн» (БАА) — «Машъал» (Ўзбекистон), «Ал-Минаа» (Ироқ) — «Ал-Ҳилол» (Саудия Арабистони) жамоалари ўзаро куч синашади. Шу куни «Ал-Ҳилол» мағлубиятга учраса, «Машъал» БАА чемпионини мағлубиятга учратсагина кейинги босқичга чиқиши мумкин.

«А» гуруҳида вазият қуйидагича кўриниш олган:

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
«Ал-Қодисия»	5	3	1	1	7-9	10
«Пахтакор»	5	3	1	2	9-5	9
«Ал-Иттиҳод»	5	1	2	2	4-6	5
«Фулад»	5	1	1	3	7-7	4

«В» гуруҳида жамоалар қуйидаги кўринишда жойлашишган:

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
«Ал-Айн»	5	3	1	1	8-5	10
«Ал-Ҳилол»	5	3	0	2	11-6	9
«Машъал»	5	2	2	1	6-9	8
«Ал-Минаа»	5	0	1	4	5-10	1

З. ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Янги китоблар

Тарихий роман

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти ёзувчи Мақсуд Қориевнинг "Ғазнавийлар" тарихий романини босмадан чиқарди. Бу муаллифнинг "Спитамен", "Ибн Сино" романларидан кейинги тарихий мавзудаги навбатдаги китобидир. Асарда Шарқ оламида биринчи бор буюк ўзбек давлатчилигига асос солган Сабуктегиндан бошлаб Султон Маҳмуд Ғазнавий ва унинг сулоласи ҳақидаги тарих ўзининг бадиий ифодасини топган.

Шунингдек, Султон Маҳмуд Ғазнавийнинг босқинчилик юришлари, шу билан бирга саховатли ишлари ҳақидаги воқеалар жонли лавҳаларда ҳикоя қилинади. Адолат ва зуғум, уруш ва тинчлик, қайғу ва алам, қувонч ва шодлик, маърифат ва қабоҳат... асар ана шу ҳаётий қарама-қаршиликлар асосига қурилган. Энг муҳими, Маҳмуд Ғазнавий салтанати паноҳида тўрт юздан ортиқ шоиру фузалолар, олимлар, жумладан Хоразмдаги "Мажлиси Уламо" олимлари ҳам жамулжам бўлганлиги алоҳида ёритилади. Романдаги "Икки буюк аллома ёзишмалари" деб аталган бобда ўша даврдаги илм-фаннинг ривожи ҳақида гап кетса, "Чувринди аёл", "Навбаҳор кечаси", "Бобокалон ўгитлари" бобларида Султон Маҳмуднинг маърифий, адолатли ишлари, "Шоирнинг ўлими", "Шикордаги воқеа", "Ашуро байрами" каби бобларда эса фожеали дамлар ҳаётий лавҳалар орқали баён этиб берилган.

Роман сўнгида Ғазнавийлар шажараси, Султон Маҳмуднинг Ғазнадаги мақбарасининг суврати ҳам берилган. Алптегиндан бошланган буюк туркий сулола то Иброҳимгача бўлган даврни ўз ичига олади. Шу ўринда Ғазнавийлар бобокалони, Сабуктегиннинг ўғиллари, невараларига айтган ибратли сўзларини келтириб ўтамиз:

"Ҳов анави боғимиз аёғидаги осмонўпар чинорлар бор-ку, кўраяпсизларму, уларнинг илдизлари она заминга чуқур кириб кетган, яхши эътибор қилсангиз, пастдан ҳам яна янги шохлар чиқиб турибди. Туркий элулусларни худди ана шу чинорларга қиёс қилса бўлур. Биз шундай тагитахти пухта, илдизларимиз теран уруғ-аймоқларимиз... турк қавмларининг бош бўғинимиз".

Ёзувчининг тарихий мавзудаги ҳар учала романи ҳам мустақиллик йилларида юзага келди. Зеро, истиқлолимиз туфайли миллий анъаналаримиз, тилимиз, дину диёнатимиз, ўзлигимиз қайтиб келди. Энг муҳими, қадим тарихимизга ҳақиқий илмий ёндошиш имконияти туғилди. "Ғазнавийлар" романи буюк Туркий салтанатнинг шу вақтга қадар бадиий адабиётимизда тасвир этилмаган ҳаётий манзаралари ўзининг бадиий ифодасини топганлиги билан аҳамиятлидир.

Ўз мухбиримиз.

СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОЕ ПРОИЗВОДСТВЕННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ (СПП) VINLAD
Vinlad
Сделаем жизнь спокойнее!
ADI International
Panasonic
Вид деятельности — проектирование, производство, внедрение, гарантийное и сервисное обслуживание комплексных систем безопасности для объекта любого масштаба, выбор, тестирование, поставка оборудования для разнообразных решений безопасности.
Системы видеонаблюдения
PELCO
J&S
DX 8000 SERIES DIGITAL VIDEO RECORDER
НОВЫЕ ПОСТАВКИ!
профессиональное качество по привлекательным ценам
ул. Дружбы народов, 44.
Тел.: 367-97-14/15. Факс 367-00-68.
E-mail: vinlad@sarkor.uz
Web-site: www.vinlad.com
ISO 9001: 2000
Лицензия МВД РО «Охрана» № 103, лицензия МВД УПО № 29/2-2-97, лицензия КМ №000390 (проектирование).

РОССИЯНИНГ «НАРА» ВА ЖАНУБИЙ КОРЕЯНИНГ «SUMO» ЗАВОДЛАРИ
РАСМИЙ ДИСТРИБЬЮТЕРИ
ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРХОНАДАН
ЁНИЛҒИ ҚУЙИШ МОСЛАМА (БЕНЗОКОЛОНКА)ЛАРИНИ СОТАДИ.
НАРА ТМ
Мосламалар сифати сертификатланган ва тўлиқ кафолатланади.
Малакали мутахассислар томонидан ўрнатиб бериш таъминланади.
Тел: (99871)144-28-44, 144-28-11, 144-28-33, 189-65-53.

«GRANDEUR XG 250»
СЕДАН ПРЕДСТАВИТЕЛЬСКОГО КЛАССА
Цена – 58 990 000 сум. 57 900 000 сум.
HYUNDAI
Official Partner
«DONG NAM MOTORS CO. LTD.» официальный дистрибьютор HYUNDAI MOTOR COMPANY
В рассрочку на 6 месяцев при наличии банковской гарантии. Первый взнос — 60% от стоимости автомобиля. Для юридических лиц.
г. Ташкент, пр. Афросиаб, 8.
Тел. (998-71) 152-17-24.
Тел./факс (998-71) 152-17-25.
E-mail: hdnuz@yahoo.com
www.uzbekistan.hyundai-motor.com
Товар сертифицирован
«SANTA FE GLS»
ВСЕДОРОЖНИК
Цена – 57 990 000 сум. 55 400 000 сум.

Ўзбекистон Бадиий Академияси, Бадиий ижодкорлар уюшмаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Шохалил Шоёқубовга ўғли
Шоислом ШОЁҚУБОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Давлат алоқа инспекцияси жамоаси телекоммуникациялар бўлими 1-тоифали муҳандиси Гулнора Маликова ва Кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш гуруҳи етакчи муҳандиси Саодат Ходжаевага волидаи муҳтарамалари
МУАЗЗАМ аянинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Савдо ва тижоратга кўмаклашувчи «Савдогар» акциядорлик тижорат банки жамоаси Ходимлар билан ишлаш бошқармаси ходими Лола Ҳамраевага турмуш ўртоғи
Ҳамза ҲАМРАЕВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир ўринбосари Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 757. 28740 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — М. Холматова.
Навбатчи — М. Жонихонов.
Мусаҳҳиҳ — М. Сулаймонова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.30 123456